## РСДРП II СЪЕЗДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

# РЕВОЛЮЦИОН КУРАШ ВА ЗАФАРЛАР ЙЎЛИ



● В. И. ЛЕНИН ўзининг Кремлдаги иш кабинетида. Москва, 1918 йил октябрь. ТАСС фотохроникаси.

## ЯНГИ ТИПДАГИ ПАРТИЯ

ЛЕНИН асослаган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси буюк революцион ва зафарли йўлни босиб ўтди. Шу жиҳатдан Россия социал-демократик ишчилар партияси (РСДРП)нинг II съезди оламшумул-тарихий аҳамиятга моликдир. 80 йил муқаддам, 1903 йилда бўлиб ўтган бу съезд Россия революцион марксистик ташкилотларини ишчилар синфининг ягона партиясига — улуғ Ленин партиясига бирлаштирди. Бу янги типдаги партиянинг ташкил топишига олиб келган большевизмнинг ғалабаси бўлган эди. Мазкур тарихий воқеанинг ғоят катта ролини таъкидлаб, В. И. Ленин бундай деб ёзган эди: **«большевизм сиёсий фикр оқими сифатида ва сиёсий партия сифатида 1903 йилдан буён мавжуд»**.

В. И. Ленин коммунистик партиянинг назарий, ғоявий ва ташкилий асосларини ишлаб чиқди.

Коммунистик партия тўғрисидаги дастлабки таълимотнинг бунёд этилиши Карл Маркс ва Фридрих Энгельс номлари билан чамбарчас боғланган. Улар коммунистларнинг туб мақсадлари ва амалий революцион кураш йўлларини илмий равишда кўрсатдилар. Маркс ва Энгельс капитализм жамиятини тугатиш ва унинг ўрнига коммунизм жамиятини барпо этиш инсоният тарихида энг революцион синф — пролетариатнинг изчиллик билан олиб борадиган курашининг самараси бўлишини илмий равишда исботладилар. Пролетариат бу тарихий бурчни ўз онгли авангарди — коммунистик партия раҳбарлигида амалга оширди.

Маркс ва Энгельс вафотидан кейин ревизионистлар марксизмга қарши курашни кучайтирдилар. Улар социал-демократик партияларни буржуа синфи манфаатларига бўйсундириб, амалда реформистик партияларга айлантирдилар.

Россия социал-демократлари сафидаги «экономистлар» халқаро ревизионистларнинг бир тури эди. Улар ишчилар синфи партиясининг раҳбарлик ролини инкор этардилар.

В. И. Ленин ревизионизмни фош этиб, марксизм таълимотини кескин ҳимоя қилди ва ривожлантирди. Ленин эски типдаги реформист партиялар ишчилар синфининг революцион курашига ғов бўлишини, бунинг учун янги типдаги партия — ҳақиқий жанговар марксистик партия тузиш зарурлигини кўрсатди.

РСДРП революцион қанотининг оппортунизмга — «экономистларга» ва халқаро ревизионизмга қарши курашига В. И. Ленин раҳбарлик қилди. У сургундалигида бир қанча асарлар ёзиб, уларда «экономистлар» ва ревизионистларнинг асл башарасини ҳамда улар ишчилар синфига келтираётган зарарни очиб ташлади.

В. И. Ленин янги типдаги чинакам марксистик партия, социал революция ва пролетариат диктатураси партияси тузишнинг гениал планини ишлаб чиқди. Бу планда умумрус марксистик сиёсий газетасини нашр қилишга катта аҳамият берилди. Вақтли партия органи социал-демократиянинг назарияси ва ташкилий принциплари масалаларини ижодий ишлаб чиқиши лозим эди. Ленин ташкил қилган «Искра» ана шундай умумрус сиёсий газетаси бўлди, унинг биринчи сони 1900 йил 24 декабрда чиқди. Шу вақтдан бошлаб Россияда пролетар партиясини тузиш учун кураш ҳал қилувчи босқичга кирди.

Ленин «Искра»си экономизм ва халқаро ревизионизмга қарши муросасиз курашда революцион марксизмни ҳимоя қилди ва унинг байроғи остида маҳаллий социал-демократик ташкилотларни жипслаштирди. Марксистик партия биринчи Программасининг лойиҳасини ишлаб чиққанлиги унинг ғоят катта хизмати бўлди.

«Экономизмни» ғоявий жиҳатдан узил-кесил тор-мор қилишда ва большевистик партиянинг идеологик асосларини ишлаб чиқишда В. И. Лениннинг «Нима қилмоқ керак?» деган китоби ҳал қилувчи роль ўйнади. Маркс ва Энгельс ғояларини ривожлантириб, Ленин янги типдаги партия — революцион марксистик партия тўғрисидаги таълимот асосларини ишлаб чиқди. У революцион назариянинг буюк роли ҳақидаги, жамиятнинг моддий ҳаёт шароитларига таъсир этишга қодир революцион ғояларнинг тубдан ўзгартирувчи кучи ҳақидаги фикрни алоҳида таъкидлади. Революцион назариясиз революцион ҳаракат бўлиши мумкин эмас, деб ёзган эди Ленин. Фақат илғор назария билан қуролланган партиягина илғор курашчи ролини бажара олади.

РСДРПнинг II съезди 1903 йил 17 (30) июлда Бельгия пойтахти — Брюсселда очилди. Бироқ, қамоқ хавфи туфайли съезд делегатлари 13-мажлисдан сўнг Лондонга кўчиб ўтишга мажбур бўлдилар. У ерда съезд ўз ишини 1903 йил 10 (23) августгача давом эттирди. Съездда қатнашган 43 делегат ҳал қилувчи овозга эга бўлиб, улар 51 та овоз беришди (8 делегат 2 та овозга эга эди). Съездда 14 делегат маслаҳат овози билан қатнашди. Съезд делегатларининг состави бир хилда эмас эди. Улар орасида Ленин тарафдорлари — «қатъий искрачилар» — 24 овозга, Мартов тарафдорлари — «бўш искрачилар» — 9 овозга, марказ — «ботқоқ» — 10 овозга эга эди. Съездда шунингдек «Искра»нинг ашаддий душманлари ҳам қатнашиб, улар 8 овозга (3 «экономист» ва 5 бундчи) эга эди.

РСДРП II съездининг асосий вазифаси «Искра» томонидан илгари сурилган ва ишлаб чиқилган принцип ва ташкилий асосларга суяниб, ҳақиқий партия тузишдан иборат эди.

II съездда революцион қанот — Ленин қаноти билан оппортунистлар орасида кескин кураш авж олди.

Съезд ишининг марказида партия Программаси тўғрисидаги масала турди. Съездда Программа лойиҳасини муҳокама этиш давомида жиддий ихтилофлар маълум бўлди. Оппортунистлар — «экономистлар» ва бундчилар Программадан пролетариат диктатураси тўғрисидаги пунктни чиқаришни таклиф қилишди. Ваҳоланки, фақат пролетариат диктатураси орқалигина социалистик жамият барпо қилиш мумкин эди. Оппортунистлар пролетариат гегемонлиги ва диктатурасини, деҳқонларнинг революцион имкониятларини инкор қилдилар. Улар миллий-озодлик ҳаракатига ўта ҳурматсизлик қилдилар. Оппортунистлар миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини буржуа-миллатчилик маданий-миллий автономия билан алмаштиришга уриндиларки, бу пролетариатнинг синфий интернационал бирлигини бузишга уринишни англатарди.

В. И. Ленин Программага оппортунистик характер бериш учун қилинган барча уринишларга қақшатқич зарба берди. РСДРПнинг II съезди чор самодержавиесини, помешчиклар ва буржуазия ҳокимиятини ағдариш, жамиятни социалистик қайта ўзгартириш қуроли сифатида пролетариат диктатурасини ўрнатиш учун марксча-ленинча программани қабул қилди. Барча меҳнаткашларни эксплуатациядан, социал ва миллий зулмдан озод қилиш учун курашда пролетариатнинг раҳбарлик роли Программада аниқ кўрсатилди. Унда ишчилар синфининг барча меҳнаткашлар ва эксплуатация қилинувчиларга йўлбошчилик қилиши тўғрисидаги қоида асослаб берилди. Партиямизнинг биринчи Программаси марксизм-ленинизмнинг ғоят муҳим ҳужжати бўлиб, у Россия ишчилар синфи ва бутун халқаро ишчилар ҳаракатининг революцион кураши учун қўлланма бўлди.

II съездда қабул қилинган партия Программасида Лениннинг миллий масалага оид ғоялари мужассамлашди. Унга миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, ўзига хос турмуш шароитлари ҳамда аҳоли составига эга бўлган жойларда область автономияси тузиш тўғрисидаги талаб киритилди. Съезд оппортунистларнинг партияни миллий принцип бўйича ажратиш ҳаракатини қабул қилмади ҳамда қайси миллатдан бўлишидан қатъий назар Россиянинг бутун ишчилар синфига таянадиган ягона марказлашган ташкилот сифатидаги партиянинг ленинча интернационалистик принципларини маъқуллади.

Шундай қилиб, Ленин ва унинг маслакдошларининг янги типдаги партия — чинакам марксистик партия тузиш йўлидаги принципиал кураши тўла ғалаба қилди. Бу воқеа ишчилар ҳаракатида ва бутун революцион ҳаракатда бурилиш босқичи бўлди.

Россиянинг ишчилар синфи камбағал деҳқонлар билан иттифоқда бўлиб Ленин партияси раҳбарлиги остида чоризмга, помешчиклар ва капиталистларга қарши қатъий кураш олиб бориб, ажойиб ғалабага эришди, Октябрь социалистик революциясини амалга оширди ва пролетариат диктатурасини ўрнатди.

Шундай қилиб, РСДРП II съездида қабул қилинган партиянинг биринчи Программаси муваффақиятли бажарилди.

## БУЮК БУНЁДКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

СОЦИАЛИСТИК революция ғалабасидан кейин ишчилар синфи олдида буюк бунёдкорлик истиқболлари очилди. 1919 йил мартида РКП(б) VIII съездида партиянинг иккинчи Программаси қабул қилинди. Бу Программа мамлакатимизда социалистик жамият қуриш йўлларини белгилаб берди. Тарихан қисқа муддатда социалистик индустриялаш ўтказилди, чуқур социал-иқтисодий ўзгартишлар амалга оширилди, мамлакатнинг асрий қолоқлигига барҳам берилди. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш натижасида майда ва тарқоқ деҳқон хўжаликлари йирик коллектив социалистик хўжаликларга айлантирилди. Маданий революция совет кишиларининг маънавий қиёфасини тубдан ўзгартирди.

Ер юзининг олтидан бир қисмини ташкил қиладиган улкан мамлакатда тарихда биринчи марта ижтимоий ҳаётда мазмуни ва кўлами жиҳатидан ғоят улуғвор ўзгаришлар бўлди. Барча эксплуататор синфлар тугатилиб, социалистик жамият барпо этилди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ташкил этилиши Ленин программасини амалга оширишнинг энг муҳим босқичларидан биридир. СССРнинг ташкил этилиши — озод миллатлар ихтиёрий иттифоқи тўғрисидаги улуғ Ленин ғояларининг ҳаётда мужассамлашувидир.

1924 йилда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилди ва у ихтиёрий равишда ССР Иттифоқига кирди. Бу ўзбек халқининг тарихий тақдирида ғоят катта аҳамиятга эга бўлди.

Миллий масалага оид ленинча Программанинг амалга оширилиши натижасида СССРнинг барча миллий республикаларида, шу жумладан Совет Ўзбекистонида ҳам туб социал-сиёсий ўзгаришлар рўй берди. Мамлакатимизнинг бошқа собиқ қолоқ ўлкаларида бўлганидек, бу ерда ҳам тараққиётнинг капиталистик босқичини четлаб, социализмга ўтиш проблемаси муваффақиятли ҳал этилди.

Советлар мамлакатида халқлар дўстлиги тантана қилди.

Улуғ Ватан уруши йилларида совет ижтимоий ва давлат тузумининг жипслиги ва мустаҳкамлиги оғир синовдан ўтди. Бизнинг Совет социалистик тузумимиз янада мустаҳкамланди. Совет Иттифоқининг ғалабаси инсоният прогрессив тараққиётининг бутун кейинги боришига ғоят катта таъсир кўрсатди. Немис-фашист босқинчилари ва япон милитаристларининг тор-мор этилиши натижасида жаҳон майдонида кучлар нисбати ўзгариб, Европа ва Осиёнинг бир қатор мамлакатларида революция ғалаба қилиши учун шарт-шароитлар вужудга келди, империализмнинг мустамлака системаси емирила бошлади. Октябрь революцияси асос солиб берган жаҳон социализм системаси пайдо бўлди.

Совет халқи партия раҳбарлиги остида уруш жароҳатларини тез тузатди ва халқ хўжалигининг янгидан қудратли ривожланишини таъминлади. Урушдан кейинги дастлабки йиллардаёқ социализмнинг моддий-техника базасини яратиш ва мустаҳкамлаш учун кўпгина иш қилинди. Совет Иттифоқида социализм тўла ва узил-кесил ғалаба қозонди.

Шундай қилиб, партиянинг иккинчи Программаси ҳам муваффақиятли амалга оширилди.

1961 йилда бўлиб ўтган партиянинг XXII съездида КПССнинг учинчи Программаси қабул қилинди.

Коммунистик партия раҳбарлигида олға бораётган совет кишилари мамлакатни иқтисодий, социал ва маданий ривожлантиришда йил сайин янги-янги муваффақиятларни қўлга киритяптилар.

СССРда ривожланган социализм қурилиши — Коммунистик партия раҳбарлигида халқ оммасининг ижоди, меҳнаткашларнинг сабот билан ишлаши натижасидир.

Эндиликда бизнинг мамлакатимизда ривожланган социализм аста-секин коммунистик жамиятга ўсиб ўтмоқда. Бу шароитларда КПСС раҳбарлик ролининг тобора ўсиб бораётганлигини қуйидаги омиллар тақозо этмоқда:

**— коммунистик қурилишнинг ўз кўлами жиҳатидан ғоят катта ва фавқулодда мураккаб вазифалари;**

**— омма сиёсий етуклиги ва ижодий активлигининг ўсиши;**

**— социалистик демократиянинг кенгайиши ва ижтимоий бошқарув ролининг ошиши;**

**— идеология ишини янада яхшилаш зарурлиги, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифалари;**

**— марксча-ленинча назарияни янада ижодий ривожлантириш зарурати;**

**— Коммунистик партия халқаро сиёсати соҳасидаги вазифаларнинг мураккаблиги.**

КПСС сиёсий ва хўжалик раҳбарлигининг форма ва методларини янада такомиллаштиришга эришмоқда. Партия ўтмишда рўй берган партия ва давлат ишида ленинча услубдан чекиниш ҳодисаларини қоралади. Бундай ҳодисалар амалга ошмайдиган планлар тузишда, фан ва техника ютуқларини, коллектив тажрибасини, реал имкониятларни ҳисобга олмасдан шошма-шошарлик ва ўзбошимчалик билан қарорлар қабул қилишга субъектив равишда уринишда ифодаланган эди.

Партиявий раҳбарликнинг муҳим шарти — раҳбарликнинг ленинча услубига риоя қилишдир. У ўзига ва бошқаларга юксак талабчан бўлишни тақозо этади, кибр-ҳавони истисно қилади, бюрократизм ва догматизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши туради.

Коммунистик партия ишчилар партияси бўлиб қолган ҳолда бутун совет халқининг ҳам партиясидир. У жанговар революцион идеология — марксизмга амал қилади.

КПСС сафи ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг илғор вакиллари ҳисобига ўсмоқда. Ҳозир партия сафида 18 миллиондан кўпроқ коммунист бор.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси чинакам интернационал партиядир. **«Партиямиз ўз идеологияси ўзининг состави ва тузилиши жиҳатидан** — деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов, — **Совет Иттифоқидаги барча миллат ва элатлар бирлиги, жипслигининг жонли тимсолидир. Партия ўз сиёсатида миллий ва интернационал манфаатларни уйғун равишда бирга қўшиш мақсадини кўзлаб, ҳар бир миллатнинг равнақи, ҳар томонлама ривожи, бутун қардошлик иттифоқимизнинг юксалиши ва равнақи шарти бўлиб хизмат қиладиган социал шароитларни вужудга келтирмоқда»**.





● РСДРП II съездида вакиллари қатнашган ташкилотларнинг схема-картаси.

## УЛУҒВОР ЎЗГАРИШЛАР РАҲНАМОСИ

КПССНИНГ ЖАНГОВАР отрядларидан бири — Ўзбекистон Компартияси партиянинг интернационал характерига яққол мисолдир, унинг составида ҳозир 80 дан зиёд миллат ва элат вакиллари бўлган 600 мингдан кўпроқ коммунист бор.

КПСС фаолиятида социалистик демократияни, совет давлатчилигини муттасил такомиллашиб бораётган ва совет жамияти кўп қиррали ҳаётига, Ленин буюк идеалларининг амалга оширилишига тобора яхшироқ таъсир кўрсатаётган бутун сиёсий системани ривожлантириш масалалари муҳим ўрин эгаллаётир.

Ленин ғоялари асосида барпо қилинган кўп миллатли Совет давлати оламшумул-тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлганлигини тажриба кўрсатди. Ю. В. Андропов СССРнинг олтмиш йиллигига бағишланган тантанали мажлисда қилган докладида бундай деб таъкидлади: **«Лениннинг васиятлари, Лениннинг миллий сиёсат принциплари биз учун муқаддасдир. Биз шу вазиятлар ва принципларга таяниб, уларни амалда изчиллик билан қарор топтириб, қудратли давлат — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини барпо этдик. Бу давлатнинг ташкил қилиниши социализмни ривожлантиришда катта қадамгина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга жаҳон тарихининг боришидаги энг муҳим бурилиш пайтларидан бири ҳам бўлди»**.

Совет Иттифоқининг барча халқлари ягона иттифоқда жипслашиш уларнинг кучқудратини мустаҳкамлаганлигига, социал-сиёсий ривожларини жадаллаштирганлигига яққол ишондилар. Илгари асрий қолоқликка дучор қилинган собиқ миллий чекка ўлкаларнинг халқлари мамлакатдаги барча халқларнинг меҳнаткашлари билан умумий сафда социалистик жамиятга дадил қадам қўйдилар. Барча миллат ва элатларнинг юридик ва амалдаги тенглиги таъминланди. Эндиликда илгариги қолоқ миллий чекка ўлкалар йўқ.

Совет Ўзбекистони ленинча миллий сиёсат тантанасининг яққол мисолларидан биридир. Бизнинг мамлакатимизда миллий масала тўла ва узил-кесил ҳал этилган бир шароитда партия миллий муносабатларни янада ривожлантиришга илмий асосда раҳбарлик қилишни давом эттирмоқда. Шу муносабат билан у совет миллий давлат қурилиши соҳасидаги янги вазифаларни ўртага қўймоқда. Гап иқтисодий ва маданий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ягона халқ хўжалик комплексини ривожлантириш учун ҳар бир республика иқтисодий потенциалини кучайтириш, партиянинг интернационал кадрлар сиёсатини амалга ошириш, Советларнинг ташкилий ролини янада ошириш тўғрисида бормоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йилги июнь Пленуми партия ҳаётида, бутун совет халқи ҳаётида катта ғоявий-сиёсий воқеа бўлди. Пленум Совет жамияти тараққиётининг ҳозирги босқичидаги энг муҳим вазифаларни юксак партиявий принципи нуқтаи назаридан ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилди, партиянинг ғоявий-тарбиявий ишига оид кенг программани белгилаб берди.

Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитети Пленумида сўзлаган программ нутқи — социалистик қурилиш назарияси ва практикасига қўшилган катта ҳиссадир. Бу нутқ жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, унда партия XXVI съездининг қарори билан тайёрланаётган янги таҳрирдаги КПСС Программасига оид принципиал масалалар таърифлаб берилган. Партия Программаси ҳозирги шароитда, аввало, ривожланган социализмни планли суратда ва ҳар томонлама такомиллаштириш программаси, демак, коммунизм сари олға бориш программаси бўлиши керак.

Пленумда идеология ва тарбия проблемаларининг ўртага қўйилиши, аввало, партиянинг стратегик вазифаси — ривожланган социализмни такомиллаштириш билан боғлиқдир. Совет жамияти ишлаб чиқарувчи кучларда чуқур сифат ўзгаришлари пишиб етилган ва шунга мувофиқ суратда ишлаб чиқариш муносабатлари такомиллашган бир босқичга қадам қўйди. Шу билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кишиларнинг онгида ҳам, жамиятнинг бутун устқурмасида ҳам ўзгаришлар содир бўлиши керак. Идеология ишини партия ва халқимиз ҳал қилаётган энг муҳим вазифалар даражасига қатъий кўтариш зарурати худди ана шундан келиб чиқди.

Ҳозирги кунда энг йирик комплекс социал-иқтисодий программалар, шу жумладан Озиқ-овқат ва Энергетика программалари амалга оширилмоқда. Партия ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга ҳаракат қилмоқда; экономикамиз, фанимиз, маданиятимизнинг жуда катта имкониятларидан, табиий ресурсларимиздан мумкин қадар тўлароқ ва самаралироқ фойдаланиш учун астойдил кураш авж олиб кетди. Планларимизни амалга ошириш кўп жиҳатдан партия ташкилотларимиз халқнинг маънавий куч-ғайратини қай даражада сафарбар қила олишларига, унинг меҳнат ва социал активлигини қай даражада кучайтира олишларига боғлиқдир.

Халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнлар ҳам партиянинг идеологик фаолиятига эътиборни кучайтиришни тақозо қилаётган муҳим омиллардан биридир.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов катта нутқ сўзлади. Пленум КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. У. Черненконинг «Партиянинг идеологик, оммавий-сиёсий ишининг актуал масалалари» деган докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, тегишли қарор қабул қилди. Бу қарорда: мамлакатдаги ғоявий-сиёсий вазият совет кишиларининг КПСС атрофига, унинг Марказий Комитети атрофига, Марказий Комитетнинг Юрий Владимирович Андропов бошлиқ Сиёсий бюроси атрофига янада кўпроқ жипслашганлиги билан характерланади, деб таъкидлаб ўтилади.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари Ленин типидаги атоқли раҳбар Ю. В. Андроповнинг СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимига сайланганлигини якдиллик билан маъқулламоқдалар.

Пленум халқаро вазиятни таҳлил қилиб, унинг ғоят даражада кескин ва мураккаблигини қайд қилиб ўтди. Ҳозир жаҳонда, деб қайд қилинади Пленум қарорида, — **«...икки ижтимоий система, бир-бирига мутлақо қарама-қарши икки дунёқараш ўртасидаги кураш урушдан кейинги даврда мисли кўрилмаган даражада қаттиқ кескинлашди»**. Империализм қуролланиш пойгаси, турли-туман иқтисодий санкцияларни ишлатиш билан бир қаторда социализмга қарши чинакам пропагандистик интервенцияни ҳам авж олдириб юборди.

Ана шундай шароитда партиянинг ғоявий-тарбиявий фаолиятининг роли ва аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ кучаймоқда. **«Идеологик, сиёсий-тарбиявий иш,** — деб таъкидлади Ю. В. Андропов, — **аввало партиянинг омма билан алоқаси масаласидир»**.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг шу йил 4 июлда бўлган XI Пленуми КПСС Марказий Комитетининг 1983 йилги июнь Пленуми қарорларини, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқида баён қилинган фикр ва хулосаларни амалга ошириш соҳасидаги республика партия ташкилотининг вазифаларини ҳар томонлама муҳокама қилди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовнинг чуқур мазмунли докладида; социализмнинг кучи — меҳнаткашларнинг онгли ижодкорлигидадир, барча долзарб ва перспектив проблемаларни ҳал қилишдан манфаатдорлигидадир, деб таъкидланди. Бинобарин, жамиятимиз қанчалик олға қараб борса, вазифаларимиз шунчалик мураккаблашиб ва катталашиб боради, кишилар билан ишлаш сиёсатда шунчалик катта ўрин тута боради.

Марксизм-ленинизмга содиқ бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўз тарихий вазифасини муваффақиятли равишда амалга оширмоқда. У ўзининг 80 йиллигини социалистик қурилишга, СССРнинг ички ва ташқи сиёсатига раҳбарлик қилиш соҳасида бой тажриба орттирган ҳолда кутиб олмоқда.

**«Ленин партияси босиб ўтган йўл,** — деб таъкидланади партиямиз Марказий Комитетининг «РСДРП иккинчи съездининг 80 йиллиги тўғрисида»ги қарорида, — **ҳақиқатан ҳам қаҳрамонона кураш ва ғалабалар йўлидир. Мамлакат тақдиригагина ҳал қилувчи таъсир ўтказиб қолмай, шу билан бирга жаҳон тарихининг боришини тубдан ўзгартириб юборган улуғвор ўзгаришлар Ленин партияси раҳбарлигида амалга оширилди»**.

КПСС тарихий тажрибасининг халқаро аҳамияти беқиёс даражада кучайди. Партиямизнинг бутун фаолияти фақат ғоявий жиҳатдан чиниққан, ташкилий жиҳатдан уюшган коммунистик партиягина янги жамият кучларини дадил йўналтира ва ривожлантира олишга қодирлиги тўғрисидаги марксизм-ленинизм хулосаси тўғрилигини тасдиқламоқда.

Бундан 80 йил муқаддам ташкил қилиниб, совет халқининг жанговар авангардига айланган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси мамлакатимизни инсониятнинг порлоқ келажаги — коммунизм сари дадил бошлаб бормоқда.

**Ҳ. ТУРСУНОВ,**
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.



● В. И. Ленин музейининг Тошкент филиалида РСДРПнинг II съезди 80 йиллигига бағишланган кўргазмани томошабинлар катта эътибор билан кузатишмоқда. Суратда: кўргазма залларида. В. Портнов фотоси.

